Барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш хизматини харид қилиш учун энг яхши таклифларни танлаш ўтказилмоқда.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритувчи, танлаш ҳужжатида белгиланган миқдорларда хизмат кўрсатиш имконияти ва тажрибасига эга юридик шахс бўлган барча маҳаллий корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

1. Давлат буюртмачиси номи: Иброхим Юсупов номидаги ижод мактаби.

Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Досназаров кўчаси, рақамсиз уй

Тел: (+99861) 223-20-04; (+99893) 717-34-82

Факс: (+998961) 223-20-04

e-mail: reyim2509@gmail.com

2. Танлаш предмети: Нукус шаҳридаги Иброхим Юсупов номидаги ижод мактабида соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш юзасидан аутсорсинг хизмати (матн давомида - Хизмат).

3. Шартнома тузувчи – Нукус шаҳридаги Иброхим Юсупов номидаги ижод мактаби.

4. Танлашнинг чекланган қиймати – 397 324 170,00 (Уч юз тўксон етти миллион уч юз йигирма тўрт минг бир юз етмиш) сўм 00 тийин ҚҚС билан бирга.

5. Молиялаштириш манбаи: бюджет маблағлари ҳисобидан.

6. Танлашда иштрок этишни истаган номзодлар:

махсус ахборот порталига (etender.uzex.uz) жойлаштирилган электрон танлаш хужжатларини юклаб олишлари ва унда кўрсатилган талаблар билан танишиб чиқишлари;

шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлиши;

танлаш таклифларини белгиланган муддатларда танлаш ҳужжатларига мувофиқ ҳолда тақдим этишлари лозим.

7. Танлаш харид комиссияси томонидан таклифларини техник ва нарх қисмларини баҳолашдан аввал иштирокчилар малакавий саралашдан ўтказилади. Малакавий саралашдан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари комиссия томонидан баҳоланади.

8. Танлаш ҳужжатида иштирокчилар учун малакавий талаблар, таклифларни топшириш, шакллар, техник топшириқлар, шартнома лойиҳаси ва бошқа талаблар кўрсатилган.

9. Танлашни ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақида қўшимча маълумот олиш истагида бўлган иштирокчилар, Давлат буюртмачиси Танлашни эълон қилган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 10:00дан 17:00га қадар Давлат буюртмачисига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Досназаров кўчаси, рақамсиз уй

Тел: (+99861) 223-20-04; (+99893) 717-34-82

e-mail : reyim2509@gmail.com

Масъуллар: Балтабаева Н.К.

10. Танлаш иштирокчилари танлаш ҳужжатлари қоидалари бўйича ўз сўровларини танлаш таклифи тақдим этиш сўнги муддати тугашига икки кун қолган вақт давомида корхона фирма бланкасида раҳбар томонидан имзоланган ва муҳрланган кўринишда тақдим этиши лозим.

11. Танлаш таклифлари 2022 йил “___” ноябрь *(махсус ахборот порталида кўрсатилган муддат тугагунга қадар)* куни соат ___ дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича давлат буюртмачисига тақдим этилиши лозим (байрам, шанба ва якшанба кунларидан ташқари).